



2015 у.г. "12" март № 341-К Самарқанд t-р Самарқанд

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида
фуқаро Джабборова Гулнозага савдо дўкони қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида.**

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Навобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Джабборова Гулноза туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони ҳудудидан савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Навобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Джабборова Гулнозага “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони бош режасидан савдо дўкони қуриш учун 60 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Джабборова Гулнозага савдо дўкони қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров